O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI
NUROTA TUMANI
HOKIMINING
Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
Р Е Ш Е Н И Е
ХОКИМА
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ
НУРАТИНСКОГО
РАЙОНА

Nurota sh. X.Xudoyqulov ko'chasi 48
"28" март 2019 йил № К-311

г. Нурата ул. Х.Худойкулов 48

Туманда транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда)* 6, 25-моддалари, "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунининг *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда)* 17-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиклаш хакида"ги 54-сонли *(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда)* ва 2017 йил 22 декабрдаги "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1010-сонли *(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2017й.,09/17/1010/0461-сон)* қарорларига мувофик транспорт воситаларининг 2019 йилда мажбурий техник кўригини ташкил қилиш ва уни ўтказиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН :

1. Туман ҳудудида жойлашган барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситалари мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссиясининг таркиби 1-иловага, Навоий вилояти ИИБ ЙҲХБ ҳузуридаги 1-сон туманлараро рўйхатлаш ва имтиҳонлаш бўлимида Нурота тумани бўйича рўйхатда турган транспорт воситаларига эга бўлган юридик шахсларнинг 2019 йилги мажбурий техник кўригини ўтказиш жадвали 2-иловага мувофик тасдиклансин.

3. Транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилиши керак:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар-бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур бандниng «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур бандниng «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси - шатакчи учун белгиланган муддатларда тақдим этилади;

д) навбатдаги техник кўрикдан ўтказишнинг илгари ўрнатилган муддатларидан қатъий назар, уларни ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) вақтида;

е) улар ишлаб чиқарилган йилдан қатъий назар, ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказилган (қайта рўйхатдан ўтказилган) кундан бошлаб бир йил ўтгач (мазкур бандниng «а» кичик бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 54-сонли қарорининг 3-бандида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий бўлинмалари транспорт воситалари кўрсатиб ўтилган идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

5. Мазкур қарорнинг 3-банди «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги;

биринчи марта - 1 март - 30 июнда;

иккинчи марта - 1 сентябрь - 31 октябрда ўтказилади.

Юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги мазкур қарор билан тасдиқланган мажбурий техник кўригини ўтказиш жадвали бўйича 1 мартдан 30 июнгача ўтказилади.

Жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситасини навбатдаги техник кўрикка қўйиш санаси жорий кўздан кечириш пайтида ДЙҲХХ органлари ходимлари томонидан белгиланади.

Техник кўрикни бир текис ўтказиш максадида ДЙҲХХ органлари жадваллар тузиши ва 1 январдан 31 августгача бўлган даврда транспорт воситалари эгалари томонидан транспорт воситаларини навбатдаги техник кўрикдан ўтказиш учун тақдим этишнинг аниқ саналари (ойлари)ни белгилаши мумкин;

Транспорт воситалари эгалари транспорт воситаларини навбатдаги техник кўрикка ДЙҲХХ органлари томонидан белгиланган муддатдан кечиктирмай тақдим этишлари шарт.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 2018 йил 1 январдан бошлаб транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказишда жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолати тадбиркорлик субъектлари-юридик шахслар томонидан ҳам текширилиши мумкинлиги;

2021 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситалари тадбиркорлик субъектлари-юридик шахслар томонидан мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

7. Юридик шахсларга тегишли транспорт воситалари техник кўриги транспорт воситалари рўйхатдан ўтказилган (вақтинча рўйхатдан ўтказилган) жойда;

зарур шарт-шароитларга (техник диагностика ускуналарига, кўтариш мосламаларига ёки караб чикиш учун чукурчаларга, назорат-ўлчаш асбобларига, асфальт ёки бетон қопланган бир текис горизонтал майдончага) ва малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотларда;

техник хизмат кўрсатиш станциялари (кейинги ўринда ТХС деб юритилади)да;

Навоий вилояти ИИБ ЙҲХБнинг диагностика станцияларида;

Навоий вилояти ИИБ ЙҲХБ томонидан ўрнатилган техник назорат постларида ўтказилади.

Юридик шахсларнинг транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари Навоий вилояти ИИБ ЙҲХБнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланади.

8. Жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситаларининг техник кўриги транспорт воситалари рўйхатдан ўтказадиган (вактинча рўйхатдан ўтказадиган) жойдаги:

ТХСда;

Навоий вилояти ИИБ ЙҲХБ диагностика станцияларида;

Навоий вилояти ИИБ ЙҲХБ бўлинмалари томонидан белгиланган техник назорат постларида;

транспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш учун зарур шарт-шароитларга эга бўлган жамоавий гараж ҳудудида, автомобиллар тўхташ жойларида;

Жисмоний шахсларга тегишли М1 тоифадаги транспорт воситаларининг техник регламентлар ёки стандартлар талабларига, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари, нормаларига мувофиқлиги тадбиркорлик субъектлари-юридик шахслар (кейинги ўринларда Субъектлар деб аталади) томонидан (жисмоний шахсларга тегишли М1 тоифадаги транспорт воситалари) ўтказилади.

Бунда ТХС ва Субъектлар кўрсатиладиган хизматлар учун қатъий белгиланган нархларни белгилашлари ва ДЙҲХХ органлари билан ҳамкорлик қилишлари зарурлиги кўрсатиб ўтилсин.

9. Транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилганлиги учун йиғим ундирилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 54-сонли қарори билан тасдиқланган Низомда белгиланган тартибларга қатъий риоя қилинсин.

10. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш туман комиссияси раҳбарига:

транспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан самарали назоратни ташкил этиш;

ҳар қайси транспорт воситасининг техник ҳолати ва жиҳозлари техник регламентлар ёки стандартлар талабларига, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари ва нормаларига мувофиқлиги жиҳатидан текшириш,

газ ёнилғисида ишлаш учун қайта жиҳозланган транспорт воситаларини техник кўздан кечиришда газ баллонларининг фойдаланиш муддати, ишлаб чиқарилган йили, завод рақами, газ баллонларини синовдан ўтказиш муддатлари, газ баллони анжомларининг белгиланган талабларга мувофиқлиги ҳам текширилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

11. Туман Ички ишлар бўлими (У.Шукуров)

тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар томонидан жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш амалиёти ва самарадорлигининг доимий мониторингини ва ҳар томонлама таҳлил қилиб борилишини таъминласин;

мониторинг ва таҳлил натижалари бўйича, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмаларининг жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича функциялари тадбиркорлик субъектлари - юридик шахсларга ўтказилишини ҳисобга олган ҳолда, 2019 йил 1 октябрга қадар муддатда транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин;

мазкур қарорнинг мақсади ва мазмуни, шу жумладан жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш тартибини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишни ташкил қилсин;

туман ИИБ йўл ҳаракати ҳавфсизлиги гуруҳига мазкур қарорнинг ижроси натижалари бўйича 2019 йил 10 ноябрга қадар туман ҳокимлигига ахборот тақдим этиш топширилсин.

12. Туман "Нурнома" газетаси (Л.Бозоров) мазкур қарорни оммавий ахборот воситалари орқали ёритилишини, туман ҳокимлиги бош юрисконсульти (А.Эшмонов) мазкур қарор туман ҳокимлиги расмий веб-сайтига жойлаштирилиши ҳамда давлат ҳисобига олиниши учун вилоят адлия бошкармасига етказилишини таъминласин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Ш.Рустамовга, ижросини ташкил этиш туман ички ишлар бўлими бошлиғи У.Шукуров зиммаларига юклатилсин.

14. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **У.Халилов**

НАВОИЙ ВИЛОЯТ
АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ
НУРОТА ТУМАН
АДЛИЯ БЎЛИМИ
210700, Нурота тумани, Х.Худойқулов кўчаси,48
Тел.: (998 79) 523 1008, Факс (998 79) 523 1008

УПРАВЛЕНИЕ ЮСТИЦИИ
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ
ОТДЕЛ ЮСТИЦИИ
НУРАТИНСКОГО РАЙОНА
210700, Нуратинский район, улица Х.Худайкулова, 48
Тел.: (998 79) 523 1008, Факс (998 79) 523 1008

2019 йил 25 март 1-08/78-1-сон

Нурота тумани ҳокимлигига

16.03.2019 йилдаги
01-09/37-сонли хатга

Туман адлия бўлими томонидан Нурота тумани ҳокимининг "Туманда транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори лойиҳасини Қонун ҳужжатлари ва қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги маълум қилинади.

Ушбу қарор қабул қилингандан сўнг, расмий нашрларда эълон қилиниши ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтда расман эълон қилингандан кейин бир кундан кечиқмай жойлаштирилиши (Ўзбекистон Республикаси Норматив-ҳуқуқий хужжатлар тўғрисидаги Қонуннинг 28-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 355-сонли қарорининг 3-ИЛОВА билан тасдиқланган "Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талаблар"нинг 5-банди, 2-хатбоши), Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги Низомга (рўйхат рақами 1856, 2008 йил 10 сентябрь) мувофиқ уч кун ичида давлат ҳисобига олиниши учун қоғоз ва электрон шаклларда муҳрланган ҳолда вилоят адлия бошқармасига тақдим қилиниши лозимлиги маълумот тарикасида билдирилмокда.

Илова: қарор лойиҳаси, ҳуқуқий экспертиза хулосаси ___ варақда

Бўлим бошлиғи **А.Ахмедов**

Ижр: Ш.Мухиддинов
Тел.: 523-10-08

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Нурота тумани адлия
бўлими бошлиғи
А.Ахмедов

Нурота тумани адлия бўлими томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш юзасидан

Х У Л О С А

2019 йил 25 март **Нурота тумани**

Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 21-22 моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги 3666-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Низоми ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2013 йил 1 февралдаги 29-мҳ-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномага асосан Нурота тумани ҳокимининг “Туманда транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганида қуйидагилар

АНИҚЛАНДИ:

Тақдим этилган қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сонли “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Нурота тумани ҳокимининг “Туманда транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2013 йил 1 февралдаги 29-мҳ-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул

қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқноманинг (рўйхат рақами 2420, 2013 йил 1 февраль) ҳамда бошқа Қонун ҳужжатларига зид эмас.

Қарор лойиҳасига илова қилинган йиғимлар миқдорлари вилоят молия ва солиқ бошқармалари томонидан тасдиқланган ва келишилганлик тўғрисидаги ҳужжатлар тақдим қилинган.

Лойиҳа юзасидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганлиги тўғрисида ва лойиҳанинг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилганлиги ва унинг натижалари ҳақидаги маълумотнома тайёрланган ва юридик хизмат ходими томонидан имзоланиб тақдим этилган, шунингдек, қарор лойиҳасини расмийлаштиришнинг Йўриқномада белгиланган тартибларига риоя қилинган.

Юқоридагиларга асосан, Нурота тумани ҳокимининг норматив-ҳуқуқий тусдаги карор лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича

ХУЛОСА ҚИЛИНДИ:

Нурота тумани ҳокимининг "Туманда транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори лойиҳаси Қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилганлиги ва қонунчилик техникаси талабларига мувофиқлиги қайд этилсин.

Мазкур хулоса юзасидан тегишли хат маълумот учун туман ҳокимлигига юборилсин.

Нурота тумани адлия
бўлими бош маслаҳатчиси **Ш.Мухиддинов**

К Е Л И Ш И Л Д И :

А.Раҳимов _____ туман ИИБ ЙҲХГ катта инспектори, туман комиссияси раиси

О.Тўшабоев _____ туман “Ўзагросуғурта” бўлими бошлиғи

(лавозимига кура) _____ Ўзбекистон Республикаси Автомобил ва дарё транспорти агентлиги Навоий вилоят бўлими бош мутахассиси.

Ш.Исроилов _____ Туман Мудофаа ишлари бўлими бошлиғи

Туман ҳокимининг
2019 йил "28" мартдаги
К- 311 сонли карорига
1 - илова

Мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссиясининг
Т А Р К И Б И

1. А.Рахмонов	туман ИИБ ЙҲХГ катта инспектори, туман комиссияси раиси

АЪЗОЛАРИ:

2. О.Қўшабоев	туман "Ўзагросуғурта" бўлими бошлиғи
3. Б.Рахимов	Ўзбекистон Республикаси Автомобил ва дарё транспорти агентлиги Навоий вилоят бўлими бош мутахассиси.
4. _____	Туман МИБ бошлиғи

Туман ҳокимининг
2019 йил "28" март даги
К-314сонли қарорига
2-илова

Навоий вилояти ЙҲХБ 1-сон туманлараро рўйхатлаш ва имтиҳонлаш бўлимида Нурота тумани бўйича рўйхатда турган транспорт воситаларига эга бўлган автокорхона, ташкилот, хусусий корхоналарнинг 2019 йилги мажбурий техник кўригини ўтказиш
ЖАДВАЛИ

№	Ташкилот, корхона, муассаса хўжаликлар номи	Техник кўрикдан ўтказиш санаси	Техник кўрик ўтказиш вақти (соат)	Техник кўрик ўтказишга масъул
1.	Туман ҳокимлиги	16.04.2019 йил	Нурота шаҳри	Комиссия раиси ва аъзолари
2.	"Ватанпарвар" ташкилоти	20.04.2019 йил	Нурота шаҳри	
3.	Туман Давлат санитария эпидемология маркази	24.04.2019 йил	Нурота шаҳри	
4.	Туман Тиббиёт бирлашмаси	27.04.2019 йил	Нурота шаҳри	
5.	Туман Газ корхонаси	01.05.2019 йил	Нурота шаҳри	
6.	"Фаррух Зарина" хусусий корхонаси	03.05.2019 йил	Нурота шаҳри	
7.	"Нурота Машина-трактор парки" акциядорлик жамияти	07.05.2019 йил	Нурота шаҳри	
8.	"Нуротамармар" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси	10.05.2019 йил	Нурота шаҳри	
9.	"Ал-Араб-Шерзод" хусусий фирмаси	14.05.2019 йил	Нурота шаҳри	
10.	Нурота туман Йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси	21.05.2019 йил	Нурота шаҳри	
11.	Ижтимоий-иқтисодиёт коллежи	01.06.2019 йил	Нурота шаҳри	
12.	Қишлоқ хўжалик коллежи	04.06.2019 йил	Нурота шаҳри	
13.	2-сонли Нурота қишлоқ хўжалик коллежи	05.06.2019 йил	Темирковуқ қишлоғи	
14.	Нурота туман Электр тармоқлари корхонаси	07.06.2019 йил	Нурота шаҳри	
15.	Туман Ветеринария бўлими	08.06.2019 йил	Нурота шаҳри	
16.	Туман Мурувват уйи	12.06.2019 йил	Адизобод қишлоғи	
17.	Туман Давлат солиқ инспекцияси	13.06.2019 йил	Нурота шаҳри	
18.	Туман Давлат акциядорлик-тижорат "Халқ банки" филиали	13.06.2019 йил	Нурота шаҳри	
19.	Туман Молия бўлими	14.06.2019 йил	Нурота шаҳри	
20.	Туман "Ўзагросуғурта" давлат	15.06.2019 йил	Нурота шаҳри	

	акциядорлик суғурта компанияси			
21.	Туман Маҳалла жамоат фонди	18.06.2019 йил	Нурота шаҳри	
22.	Туман Прокуратураси	19.06.2019 йил	Нурота шаҳри	
23.	Жиноий ишлар бўйича Нурота туман суди	19.06.2019 йил	Нурота шаҳри	
24.	Туман “Агрокимёхизмат” шуъба корхонаси	19.06.2019 йил	Нурота шаҳри	
25.	Туман Ободонлаштириш бошқармаси	20.06.2019 йил	Нурота шаҳри	Комиссия раиси ва аъзолари
26.	Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими	20.06.2019 йил	Нурота шаҳри	
27.	“Устохўжа” фермер хўжалиги	20.06.2019 йил	Нурота шаҳри	
28.	“Семурғ” фермер хўжалиги	21.06.2019 йил	Нурота шаҳри	
29.	Деҳқон ва фермер хўжаликлари	21.06.2019 йил	Нурота шаҳри	
30.	Жисмоний шахслар	22.06.2019 йил	Нурота шаҳри	
31.	Бошқалар	24.06.2019 йил	Нурота шаҳри	
32.	“ZAFAR GRANITE MINING” ҚК	24.06.2019 йил	Нурота шаҳри	
33.	SOLID DIAMOND BUSINESS МЧЖ	25.06.2019 йил	Нурота шаҳри	
34.	“Файз Аҳмад нур транс” МЧЖ	25.06.2019 йил	Нурота шаҳри	
35.	“Тохир Нури чашма” х/ф	26.06.2019 йил	Нурота шаҳри	
36.	“Шаҳло-Равшан қизи”	27.08.2019 йил	Нурота шаҳри	
37.	“Нурота қора кўл наслчилик” МЧЖ	27.10.2019 йил	Темирқовуқ қишлоғи	
38.	“Истиқлол қора кўл наслчилик” МЧЖ	30.10.2019 йил	Нурота шаҳри	
39.	“Қизилча қора кўл наслчилик” МЧЖ	30.10.2019 йил	Қизилча қишлоғи	
40.	“Ғозғон наслчилик” МЧЖ	30.10.2019 йил	Ғозғон қўрғони	

Изоҳ: Транспорт воситаси техник кўрикка белгиланган муддатлардан олдин тақдим этилиши мумкин. Ушбу ҳолда транспорт воситасини техник кўрикка тақдим этиш муддатини ўзгартириш тўғрисидаги қарор транспорт воситаси эгаси-юридик ёки жисмоний шахснинг ёзма аризаси асосида ДЙҲХХнинг тегишли ҳудудий бўлинмаси раҳбари томонидан қабул килинади.

Нурота тумани ИИБ ЙҲХ гурухи
катта инспектори
_____А.Рахмонов

МАЪЛУМОТНОМА

Туман ҳокимининг “Туманда транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори лойихаси бугунки кунда ўрганилмлокда.

Мазкур қарор 14-банддан ҳамда 2 та иловадан иборат, ушбу қарорнинг мазмун моҳияти тумандаги мавжуд транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ташкил этиш ва уни ўтказишдан иборат.

Қарорнинг тегишли бандларида туман ҳудудида жойлашган барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситалари мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши, транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказилиши:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар-бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси - шатакчи учун белгиланган муддатларда тақдим этилади;

д) навбатдаги техник кўрикдан ўтказишнинг илгари ўрнатилган муддатларидан қатъий назар, уларни ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) вақтида;

е) улар ишлаб чиқарилган йилдан қатъий назар, ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказилган (қайта рўйхатдан ўтказилган) кундан бошлаб бир йил ўтгач (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно) этиб белгиланган.

Бундан ташқари қарорда транспорт воситаларининг техник кўриги биринчи марта - 1 март - 30 июнда, иккинчи марта - 1 сентябрь - 31 октябрда ўтказилиши кўрсатиб ўтилган, юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт

воситаларининг техник кўриги эса мазкур қарор билан тасдиқланган мажбурий техник кўригини ўтказиш жадвали бўйича 1 мартдан 30 июнгача ўтказилиши белгиланган.

Мазкур карор лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сохага оид норматив ҳуқуқий хужжатлар, қонунчилик ҳамда қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Нурота туман ҳокимлиги
бош юрисконсульти **А.Эшмонов**

МАЪЛУМОТНОМА

Туман ҳокимининг “Туманда транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги лойихаси туман ҳокимлиги бош юрисконсульти А.Эшмонов томонидан ўрганиб чиқилди.

Мазкур қарор лойиҳаси, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунининг *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.,15-сон, 197-модда)* 17-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 54-сонли *(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.1-2-сон, 17-модда)* ва 2017 йил 22 декабрдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1010-сонли *(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2017й.,09/17/1010/0461-сон)* қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур қарор лойиҳаси маҳаллий давлат органлари томонидан тартибга солиниши ва амалга оширилиши кўрсатиб қўйилган.

Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон қарори билан тасдиқланган ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тадбиркорлик фаолиятига таъсирини Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматларини ягона портали орқали баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом талабларига асосан, ушбу қарор лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамаси веб-сайтида (regulation.gov.uz) логин орқали 2019 йил 28 февралдан 15 мартга кадар муҳокамага қўйилди ва шу вакт давомида ҳеч қандай таклиф ва эътирозлар тушмади.

Ушбу қарор лойиҳаси ўрганилганда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчиликка ҳамда қонунчилик техникаси қоидаларига, шунингдек кўрсатилган нормаларга мувофиқ тайёрланганлиги маълум булди.

Нурота туман ҳокимлиги
бош юрисконсульти **А.Эшмонов**